тийкарғы темасы болыўы керек.

Жасларға тәлим бериўде оқытыўдың мақсети, оның мазмуны, оқытыўдың нәтийжелилиги тәлим процессинде оқытыўшыдан педагогикалық шеберлик талап етиледи. Педагогикалық технология сабақ өтиўде талаб алардың үйренилип атырған тараў бойынша билимлерин еске түсириў, жанландырыў жаңа билимлерин өзлестириўге тийкар болады.

Заманагөй педагогикалық технология тәлим мақсетин анық қойыўдан баслап баҳалаўға шекем болған басқышлардың ҳәр бири ушын дөретиўшилик искерлик талап етеди.

Жоқары билимлендириў мәкемелеринде тәлим бериў методларын қайта көрип шығыў ҳәм нәтийжели болып есапланатуғын методлар ҳәм усылларды таңлаў зәрүрлиги, талабалардың ой-пикирин раўажландырыўда жүз берип атырған өзгерислерге тийкарланады. Олар, алынған мағлыўматты өз ара байланыстырыў, түрлерге бөлиў ҳәм салыстырыў, оларды меңгериўге сын көз бенен қараўда анағурлым бийиклик ҳәм избеизлиликке ийе болады. Өсип баратырған сана, сынлы көзқарас оларда оқытыўшы пикирлерине исенимсизлик оятады, келтирилген мысалларды терең дәлилленип берилиўин талап ете баслайды ҳәм олардың ҳақыйқатлығына өзинде исеним туўдырғысы келеди. Талабаларда тийкарғы қағыйдаларын меңгериў уқыбын тәрбиялап ғана қоймастан, орталықтың кери тәсирлерине қарсы турыў, тек мораль принциплерин жетилистирип қоймай, әдепсизлик көринислери менен қарсы гүресиўге де тәрбиялаў зәрүр. Педагогикалық жәмәәтиниң баслы ўазыйпасы талабаларда әдеп-икрамлылық ҳәм социаллық турақлылықты қәлиплестириў болып табылады.

Келешек оқытыўшыларын тәрбиялаўда жаңа педагогикалық технологиялардан пайдаланыў, оқытыўдың нәтийжели методларын қолланыў мақсетке муўапық болады. Сабақ өтиўде оқытыўшының сабаққа шеберлик пенен қатнаста болыўды, талаба-жасларда креатив идеяларды қәлиплесиўине бағдарлайды. Бул болса өз нәўбетинде тәлим сыпатын асырыўға хызмет қылады.

Педагогикалық процессте өзиниң жаңа ислеп шығарыў қәбилетин раўажландыратуғын оқытыўшы ғана билимлендириў сыпатын асырыў, сабақтың нәтийжелигине ерисиў барысында тынымсиз излениўде болады.

Бунда оқытыўшы ҳәм талаба ортасында бирге ислесиўди жолға қойыў зәрүр. Педагогикалық шериклик дәстүрий усыллардан айырмашылығы оқытыўшы ҳәм талабаның биргеликтеги мийнети арқалы билим алыўға умтылыўы. Педагогикалық шерикликте ислеўдиң әҳмийети сонда социал турмыс системасының өзгериўи менен жаңаланып қәлиплесип барыўы менен бирге талабаларды өз үстинде ислеўге, өзин-өзи анализ қылыўға ийтермелейди.

Бүгинги күнде жәмийетке керекли кадрларды таярлаўда, жаслардың мәнаўий интеллектуаллығын хошаметлеп барыў үлкен әҳмийетке ийе. Мәнаўий интеллектуал сыпатлардың заманагөй усылларын анықлаў, тарбия процесинде нәтийжели өзгерислерди пайда етеди. Талаба-жасларға мәнаўий интеллектуалдың қәлиплесиўиндеги жетискенлик ҳәм кемшиликлерин әдил баҳалаў системасы тәрбия мазмунының усыллары ҳәм формаларын жақсылаўға тийкар болады. Бул өз нәўбетинде талабалардың билим алыўға болған ықласын күшейттирип, жаслар ортасында илгерлеўшилик болады.

Жуўмақлап айтқанда, бүгинги күнде жоқары оқыў орынларында билимлендириў сыпатын еле де асырыў ең әўеле педагогикалық технология ҳәм инновациялық идеялардың нәтийжелилигине байланыслы болады.

**Әдебиятлар**

1. Өзбекстан Республикасы Билимлендириў ҳаққындағы нызамы. 2020.
2. Нишонова З.Т., Аскарова Н.А., Расулова Ф.Ф., Байкунусова Г.Ю. "Укувчиларда паст ўзлаштириш диагностикаси ва психокоррекцияси" -Тошкент: 2014.
3. Google.uz

**РЕЗЮМЕ**

Бу мақолада таълим сифатини оширишда педагогик технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти, педагогик ҳамкорликнинг дастурий ўқитиш усулларидан фарқи ҳақида сўз боради.

**РЕЗЮМЕ**

В этой статье рассматривается важность использования педагогических технологии в повышении качества образования, а также речь идёт о различии методов педагогического сотрудничества от традиционного.

**SUMMARY**

The article deals with importance of using pedagogical technologies in enhaciug quality of education burtuemore it presents the difference of pedagogical collaboration with traditional one.

## ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДАГИ ИННОВАЦИОН МЕТОДЛАРНИНГ ЎҚУВЧИЛАР МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ КОМПЕТЕНТЛИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ РОЛИ

**Б.А.Арзиева** - *таянч докторант*

*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар:** ўқув-тарбия жараёни, маънавий-ахлоқий тарбия, тил ва маданият, нутқ-фаолият, инновацион фаолият, .

**Ключевые слова:** Учебно-воспитательный процесс, духовно-этическое воспитание, язык и культура, речевая деятельность, инновационная деятельность.

**Key words**: educational process, ethical and spiritual education, language and culture, speech activity, innovation activity.

Жамиятда ва таълим соҳасида сезиларли ўзгаришлар юз бергани боис чет (инглиз) тилига қизиқишни ошириш долзарб муаммога айланди, бу ўзгаришлар асосан информацион жамиятга ўтишнинг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ. Бугунги кунда олимлар ўқувчиларнинг билим олишга қизиқишини ошириш учун шароит яратишнинг йўл ва воситаларини излаш зарурлигини таъкидлашмоқда. Шундай йўллардан бири ўқитишнинг инновацион методларини жорий этиш ҳисобланади.

Маълумки, ахборот оқими, фан ва технологияларнинг, иқтисодиётнинг, илмий фаолиятнинг ривожланиши чет маданият вакиллари билан мулоқотга киришишга мажбур қилади. Муваффақиятли ҳамкорлик учун нафақат чет (хусусан, инглиз) тилини билиш, балки суҳбатдошнинг руҳиймаданий оламини тушуниш ҳам талаб этилади. Қарашлардаги, атроф муҳитни тушунишдаги тафовутлар тарафлар бир-бирларини тушунмаслигининг сабаби ҳисобланади.

Яна шуни қайд этиш жоизки, инглиз тилини ўқитишнинг ўзига хос жиҳатлари бор, муаллим уларни ҳисобга олмаслиги мумкин эмас. Юқорида қайд этилганидек ҳозирги вақтда чет тилини ўрганишдан кўзланган улкан мақсад ўзга маданиятга қўшилиш, маданиятлар мулоқотида қатнашиш, шунингдек маънавий-ахлоқий компетентликни ривожлантиришдир. Шундай қилиб, инглиз тили

ўқитувчисининг олдида нафақат маданиятлараро алоқада қатнашишга қодир, балки юксак маънавий-ахлоқий компетентлиликка эга шахсни шакллантириш вазифаси турибди.

Биз учун яна шуни қайд этиш муҳимки, «таълимдаги инновацион фаолият камида ўқитишнинг мутлақо янги технологиялари ва мазмуни шаклларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шунингдек ушбу фаолият амалга оширадиган ва таъминлайдиган воситаларнинг борлиги билан тавсифланади. Шундай қилиб, инновацион фаолият – таълим сифатини ошириш мақсадида турли даражадаги таълим тизимларига янгиликларни жорий этишдир» [2;81-87]. Умуман олганда, бизнинг фикримизча, инновацион методлар қуйидаги мақсадларга эришиш имконини беради:

- Ўқув материалини қабул қилиш қулайлиги
- Мустақил таълим
- Психологик тўсиқларни (мулоқотдан, хато қилиб қўйишдан чўчиш) бартараф этиш
- Билимларни тизимлаштириш
- Таълим олувчиларнинг ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш
- Ўқув материалини унинг ўзлаштирилишини таҳлил қилган ҳолда англаш

Маълумки, чет (хусусан, инглиз) тилини ўрганиш жараёни «нафақат мулоқотни ривожлантиришга ёрдам беради, балки ўқувчиларни фаол илмий тадқиқотларга қизиқтириб, уларнинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун майдон ҳам яратади» [4;34]. Шу билан бирга ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялашнинг инновацион методикасидаги маданий омил таълим жараёнидаги асосий омиллардан бири ҳисобланади ва у социал жамиятнинг анъанавий маданиятининг ўзига хосликларига мос умуминсоний, маънавий-ахлоқий қадриятлар асосига қурилиши керак. Инглиз тили умумтаълим фани сифатида ўқув жараёнида алоҳида ўрин тутади, чунки ўқувчиларни чет тили маконнинг маданияти ва анъаналари билан таништиради, халқнинг тарихий ва миллий тараққиётининг ўзига хос жиҳатларини тушуниш имконини беради. Инглиз тилидаги мулоқот нафақат фонетик, лексик ва грамматик категорияларни яхши ўзлаштиришни ўз ичига олади, балки умумий дунёқарашни кенгайтириш имконини берувчи муайян даражадаги билимларни тўплашга ҳам кўмаклашади.

Инглиз тилини ўқитишнинг инновацион методларини лойиҳалаштириш жараёнида бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлган уч асосий омил – лингвистик, психологик ва ижтимоий омилнинг ўзаро муносабатини эътиборга олиш керак. Қайд этилишича, «лингвистик омил тил ифодасининг товушли ва график шаклларини кўзда тутади. Психологик жиҳат тилга жисмоний жараён нуқтаи назаридан қарайди ва тилчиларга унга фаол, ақлий фаолият сифатида қараш имконини беради. Ўз навбатида методистлар тилда нутқий фаоллик кўникмасини изчил ривожлантиришга қобилликни кўришади. Тилнинг коммуникативлиги ижтимоий жиҳатнинг зарур омили ҳисобланади. Социо-маданий таълим доимий равишда ривожланувчи жамиятдаги инсон фаолиятининг турли соҳаларида бошқа маданият вакиллари билан ҳамкорликда ишлай оладиган мутахассисни тайёрлашга йўналтирилган. Маданиятлараро алоқаларда ҳар бир халқнинг турмуш тарзи ва менталитети муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир халқда одатлар, анъаналар, умумқабул қилинган ахлоқ қоидалари авлоддан авлодга ўтади. Жамиятнинг ўзи рухсат этилган ва тақиқланган ахлоқ нормаларини шакллантиради. Цивилизация шахсга таъсир кўрсатади ва ўз навбатида ўзи ҳам инсон фаолиятининг таъсирига учрайди. Тилдаги стилистик ва грамматик хатолар маданий билимлар йўқлиги туфайли содир этилган нотўғри ҳаракатлар ва янглиш фикрларга нисбатан осонроқ қабул қилинади» [3;488]. Айнан инглиз тилини ўрганиш билан бошқа маданиятни ўрганишга йўл очилади, шахс ўз халқининг ҳам, ўзганилаётган тилда гаплашувчи мамлакатлар халқларининг ҳам маданий қадриятлари таъсирида шаклланади.

Демак, тушунишимиз мумкинки, тил ва маданий-ахлоқий тенденцияларнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш инглиз тилини ўзлаштиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Шу билан бирга «маданиятлараро оғзаки алоқаларнинг феноменларини билиш ва тушуниш мулоқотдаги маданиятлараро компетентликни сезиларли даражада ошириши мумкин. Суҳбатлашиш учун стандарт мавзулар ва ҳар бир маданиятда қабул қилинган суҳбатлашиш тарзи бунга мисол бўлади. Масалан, арабларда сўнгги янгиликлар, саломатлик ва суҳбатдошнинг омон-эсонлиги шундай мавзулар ҳисобланади. Халқаро этикет талабларига кўра қуйидаги дунёвий мавзуларда суҳбатлашиш урф бўлган: техника, тиббиёт, саноат, спорт, фан соҳаларидаги ютуқлар, маданият соҳасидаги диққатга сазовор нарсалар, янги спектакллар, кўргазмалар, фильмлар, китоблар ва ҳ.к.» [3;493]. Бунинг устига, қизғин мулоқотсиз жамият бўлмайди, жамиятсиз эса ижтимоий, маданий, онгли инсон бўлмайди.

Аммо, шу билан бирга ушбу жамиятдаги одобга, ахлоқ қоидаларига тўғри келмайдиган ёпиқ мавзулар ҳам бўлади. Масалан, «Яқин шарқда одатда диний мавзулар муҳокама қилинмайди, шахсий мавзуларга ўтилмайди. Англияда, дейлик, Англиянинг сиёсий тузилиши; қирол саройининг яхши томонлари ва камчиликлари; католиклар ва протестантлар ўртасидаги тафовутлар; Ольстер муаммосини муҳокама қилиш; Англия иштирокидаги тарихий урушлар; Англияда ясалган нарсаларни танқид қилиш каби масалаларда оғиз очиш керак эмас. Японияда қуйидаги мавзулар ёпиқ, муҳокама қилинмайди: «якудза» ва жамиятнинг ушбу муаммога муносабати; император оиласининг аъзолари ва ҳаёти; мамлакатнинг иккинчи жаҳон урушидаги иштироки. Халқаро этикет талабларига кўра қуйидагиларни сўраб бўлмайди: инсон агар ўттиз ёшдан катта бўлса ёшини; семиз ё озғинлигидан қатъи назар вазнини; муайян динга, сиёсий партияга мансублигини, судланган-судланмаганини ва ҳ.к.»[5;194]. Шундай қилиб, инглиз тилини ўқитиш методикасининг замонавий тизими ўрганишнинг маданий воситаларини қўшган ҳолда ўқитиш мазмунининг предметли тарафини кенгайтиришни кўзда тутади. Ўқувчилар ўрганилаётган тилда гаплашувчи мамлакат вакилларининг ахлоқ нормаларини: телефонда музокара ўтказиш усулларини; расмий ва шахсий ташриф вақтидаги ўзини тутиш қоидаларини; совға топширишнинг йўл-йўриқларини; суҳбат учун мавзу танлаш ваҳоказоларни билиши зарур.

Ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий компетентлиги «ташқарига» ва «ичкарига» очиқликдир. У ҳамма нарсани қамраб олади, кўп қиррали, ҳамма жойда ва ҳамма нарсада мавжуд ва намоён бўлади. Айнан ҳар қандай маданиятнинг моҳияти – маънавият ва ахлоқдир. Бунинг устига маънавият турли ўлчовларда намоён бўлган: халқаро алоқалар маконида, интернет маконида, тил рангбаранглигида. Шунинг учун маънавий-ахлоқий соҳа тил таълими методологиясининг мағзидир.

Шу тариқа коммуникациянинг маънавий-ахлоқий модели ҳақида гапириш мумкин, унда маънавиятга дунёнинг барча рангбаранглиги, шу жумладан тилларнинг турфалиги жо бўлган ноёб код сифатида қаралади. Кодни ечиш жараёни – маданий ва табиий оламнинг турли-туманлигини англашдир. Тил – маданиятнинг бир қисми. Тилни (инглиз тилини) ўрганиш кодни ечиш, маънавият ва ахлоқ оламига

шўнғиш жараёнидир. Маънавият ҳар қандай инсоннинг қалбига тил орқали йўл топишнинг тимсолидир. Коммуникациянинг маънавий-ахлоқий моделини биз ўқитувчилар инглиз тилини ўрганишининг методологик асоси сифатида белгилаймиз. Шундай қилиб, маданиятлараро алоқалар маконида ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий компетентлиги концепти моделнинг методологик функцияларини касб этади ва уни биз инглиз тилини ўқитишнинг мазмуний асоси сифатида кўриб чиқамиз. Инглиз тилини ўқитишда ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий компетентлигини ривожлантириш тизимининг концептуал модели қўйилган мақсадни амалга ошириш, уни амалга ошириш жараёнини структура ва яхлитликда кўриб чиқиш, шунингдек, таълим жараёнининг ўзаро боғлиқ ва бир-бирига таъсир қилувчи элементларини ажратиш, шу билан бирга ўқитувчи ва ўқувчиларнинг мактабдаги фаолияти самарадорлигини баҳолаш имконини беради.

**Адабиётлар**

1.Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2016-йил якунлари ва 2017-йил истиқболларига бағишланган мажилисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи.// Ташкент 2017-йил 104б

2.Адольф В.А., Ильина Н.Ф. Инновационная деятельность в образовании: проблемы становления. - М.: Высшее образование в России, 2010.1. – с81-87.

3.Бигаева Э.С., Кцоева Ф.А. Культурологический фактор в изучении иностранного языка / Социально-экономическое развитие региона в условиях модернизации: Умум Россия олий таълим ўқитувчилари ва талабалари иштирокидаги илмий-амалий конференция материаллари – 2015. – 486-491б.

4.Зангиева З.Н. Взаимосвязь языков и культур как основа обучения межкультурной коммуникации / Известия Самарского научного центра Российской академии наук. Социальные, гуманитарные, медико-биологические науки. – 2012. – Т. 14, № 2-1. – С. 32-35.

5.Тер-Минасова С.Г. Война и мир языков и культур. – М.: Слово, 2008. - 194 с.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада маънавий-ахлоқий тарбия тушунчаси ва унинг аҳамияти, ўқувчиларга Инлиз тилини ўқитиш билан бирга маънавий ва маданий тарбия бериш, ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий маданиятини шакллантиришда инновацион усулларнинг ўрни ва аҳамияти баён қилинган.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье рассматриваются понятие духовно-этического воспитания и его значение, а также роль инновационных технологии, формирование и его значение духовно-этической культуры учеников в преподавании английского языка.

**SUMMARY**

This article deals with the concept of ethical-spiritual education and its importance. The role of innovative technologies, formation of the ethical-spiritual culture of the pupils in teaching English.

## ЁШ СПОРТЧИЛАРДА МОТИВАЦИЯНИНГ ЮЗАГА ЧИҚИШИДА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ

**О.Бахромов –** *катта ўқитувчи*

*Жиззах давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар:** спортчи**,** мотивация, қадриятлар, футболчи, инструментал қадриятлар.

**Ключевые слова:** спортсмен, мотивация, ценности, футболист, инструментальные ценности.

**Key words:** sport man, motivation, values footballer, instrumental values.

Спорт фаолияти мотивацияси жуда кенг тушунча бўлиб, у ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: спортчини аниқ бир мақсадга, ҳаракатга, фаолликка нима етаклайди, спортчининг ҳаракатини унинг интилиши билан боғлиқлигига нима туртки беради. Спортчининг ҳаракати ўз-ўзидан юзага келиши мумкин эмас. Унинг ҳар қандай фаолияти ташқи сабаблар (улар унинг онгида акс этади) ёки ички турткилар билан боғлиқ бўлади. Спорт фаолиятининг баъзи мотивлари бир-бири билан боғлиқ, шартлашилган бўлади, бир-бирини инкор қилиши ҳам мумкин. Буни барчасини мотивациянинг якуний поғонаси тасдиқлайди, буни биз асосан спортчи ҳаракатининг энг муҳим сабаби, охирги босқичи сифатида белгилаймиз [2].

Тадқиқотимиз жараёнида биз ёш футболчиларда мотивацияни юзага чиқишида қадриятларнинг аҳамиятини ҳам ўрганишга ҳаракат қилдик. Бунда биз М.Рокичнинг “Қадриятларни билишни аниқлаш” методикасидан фойдаландик.

М.Рокичнинг мазкур методикасида инструментал қадриятлар мотивациясини юзага чиқишида маълум даражада восита сифатида қаралганини инобатга олган ҳолда тадқиқот натижаларини таҳлил қилишни лозим топдик.

Инструментал, яъни ҳаракат ёки шахс хислати муҳимлиги қадриятлари тадқиқот натижалари Жиззах, Қарши ва Самарқанд футбол академияси ўқувчиларининг кўрсаткичлари орасида ҳам катта тафовут кузатилмади. Ўтказилган тадқиқот натижалари қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

**1-жадвал. Қадриятларни билишни аниқлаш бўйича тадқиқот натижалари (Инструментал қадриятлар)**

| № | Қадриятлар | Жиззах (%) n-22 | Қарши (%) n-23 | Самарқанд (%) n-29 |
|---|---|---|---|---|
| I Мулоқот қадрияти | | | | |
| 1.1 | Қувноқлик | 20,8 | 20,4 | 20,6 |
| 1.2 | Ўз фикрини ҳимоя қилиш | 21,2 | 21,0 | 21,4 |
| 1.3 | Фикрлашни кенглиги | 24,7 | 23,8 | 23,6 |
| 1.4 | Мулоҳазакорлик | 33,3 | 34,8 | 34,4 |
| II Фаолият қадрияти | | | | |
| 2.1 | Ижрочилик | 19,0 | 20,0 | 20,7 |
| 2.2 | Масъулият | 23,8 | 24,0 | 23,6 |
| 2.3 | Юқори талабалар | 19,2 | 19,0 | 19,0 |
| 2.4 | Маълумотлилик | 14,2 | 13,0 | 13,7 |
| 2.5 | Ишдаги самарадорлик | 23,8 | 24,0 | 23,0 |
| III Этик қадрият | | | | |
| 3.1 | Тарбияланганлик | 33,3 | 34,2 | 33,3 |
| 3.2 | Тадбиркорлик | 19,5 | 19,7 | 19,2 |
| 3.3 | Ўзини назорат қилиш | 23,4 | 24,6 | 23,2 |
| 3.4 | Сабр-тоқатлилик | 23,8 | 21,5 | 24,3 |
| IV Индивидуал қадрият | | | | |
| 4.1 | Мустақиллик | 19,2 | 20,2 | 20,3 |
| 4.2 | Ўзидаги ва бошқалардаги камчиликларга | 19,2 | 18,2 | 18,2 |